

Бутун олам Аллоҳ таолонинг борлигидан хабар бермоқда!



11:23 / 07.02.2022 2852

Ушбу мақолада мисрлик мутафаккир доктор Мустафо Маҳмуд раҳимаҳуллоҳ фикрларининг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Агар, (фаразан) охират бўлмаганида, унда уни пайдо қилиш, вужудга келтириш лозим бўларди. Чунки, бу дунёни хоинлар, порахўрлар, каззоблар, мунофиқлар, қотиллар эгаллаб олдилар. Дунёда пасткашу пандавақилар ўзларини катта деб ҳисобляптилар. Қонхўрлар ҳокимлик қилиб, дажжоллар ғолиб деб топиляпти..

Покиза инсонлар эса ўра ва ғорларни (уйларини) ихтиёр этдилар. Уйларининг деворлари билан қўрғонланиб, машаққат ила топган ҳалол луқмаларини ҳимоя этмоқдалар. Муваффақиятга эришишнинг нопок

кўчаларидан узоқлашдилар. Улар машҳурлик ботқоқликларидан ва обрў сирпанчиқларидан четландилар.

Умидсизлик нечун?! Ахир бетакрор оламнинг тасвири, ундаги чирой, низом, ҳикмат (мустаҳкамлик), аниқ тартиб, (буларнинг барчаси) тарозуси хато қилмайдиган Одил, неъмат беришдан тўхтамайдиган Карим Илоҳнинг борлигидан хабар бермоқда-ку!

Дунёни яқиндан кўриб, умид қилишимиз учун нега ўрамиздан чиқиб, қобиғимизни синдириб, бошимизни чўзмаймиз?!

Ҳар бир мусулмон шариат таёғини аввало ўзининг устида кўтарсин! Шариатни ўз ҳаётида, уйида татбиқ этсин, ўзгаришни ўзидан бошлаб, аввал ўзини ўзгартирсин!

Бу ҳаётингдаги берадиган энг афзал ҳадянг:

Душманингни кечиришинг;

Хусуматчинга сабр қилишинг;

Дўстинга нисбатан ихлосли бўлишинг;

Фарзандлар учун гўзал намуна бўлишинг;

Ота-онанга яхшилик қилишинг;

Ўзингни ҳурмат қилишинг;

Барча инсонларга муҳаббатли бўлишинг.

Аллоҳ таоло Мустафо Маҳмудни раҳматига олсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади